# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2016 йил Соғлом она ва бола йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 12-YANVAR, SESHANBA, 5 (8556)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## АРМИЯ – ТОБЛАНИШ МАКТАБИ

*Ҳарбий қисмга борганимизда кун чошгоҳдан оққан, машғулотлардан қайтган аскарлар маънавий-маърифий тайёргарлик хонасида мутолаа билан банд экан.*

*Қадди-қомати келишган, ўктам, кийимию юриш-туриши озода аскарларга боқиб, армия чин маънода ёшларни жисмонан чиниқтирувчи, уларнинг ҳарбий билим ва дунёқарашини бойитувчи, иродасини тоблаб, маънавиятини, Ватанга садоқатини юксалтирувчи камолот мактабига айланганидан фахрланасан киши.*





Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни ислоҳ этиш ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини юксалтириш, ҳар қандай хавф-хатарни чуқур таҳлил этишга қодир, тезкор ва тўғри қарор қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш борасидаги кенг кўламли ишлар самараси бу.

...Гоҳ-гоҳ деразадан ташқарига боқиб, қалин муқовали дафтарга нималардир ёзаётган, норғул, қошлари қалин йигит эътиборимни тортди. Узр сўраб, уни суҳбатга чорладим.

Ўзини Миржалол Қўлдошев деб таништирган йигит Жиззах вилоятининг Бахмал туманидан экан.

– Ҳарбий хизмат ҳам якунланмоқда, – деди Миржалол. – Бу ерда ўтган ҳар бир куним ҳаётимда, тафаккуримда янги-янги саҳифалар очди. Хизматдошлар билан ака-укалардек бўлиб кетдик.

– Армия сизга яна нималар берди? – Унинг ўй-фикрлари билан қизиқаман.

Миржалол қўлидаги дафтарни менга тутқазди.

– Ўқиб кўринг. Аскарлик ҳаётим, фикр-мулоҳазаларим ёзилган.

Қалин дафтарни секин варақлайман.

“Ҳарбий қисм мен кутганимдан ҳам зўр экан. Шароитлар тасаввур қилганимдан-да аъло. Ётоқхонамиз кенг, саранжом-саришта. Муҳит ёши катта қишлоқдошларим айтган казармалардан бутунлай фарқ қилади. Телевизор, радио, газета-журнал, китоблар, шахмат-шашка, ҳатто аквариумгача бор. Ўқув хоналаримиз зарур кўргазмали қуроллар, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган.

Сафдошларим билан танишаяпман. Аскарлар турли вилоятлардан, барчаси соғлом, бақувват. Уларнинг алп қоматини кўриб, рости, ўзимдан уялиб кетдим. Қишлоқда ўзимизни шеркелбат санаб юраверган эканмиз-да...

Бобомдан эшитганман: у пайтларда армияга йигитлар соғломносоғломлигига қарамай олақуроқ кийимларда, йиғи-сиғи билан поездларда узоқ ўлкаларга олиб кетилган экан. Бугун бутунлай бошқача. Чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга тиббий, жисмоний ва интеллектуал кўрик асосида саралаб олинмоқда. Миллий армиямиз сафларида миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимиз сувини ичиб, тузини татиган, серқуёш заминимизда униб-улғайган йигитлар хизмат қилмоқда. Улар сафида эканимдан фахрланаман.

**(Давоми 2-саҳифада)**




Наманган Вилояти

## СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

*Косонсойлик тадбиркор Муроджон Қодиров ўтган йили Жанубий Кореянинг “CHUNGANG CO” фирмаси билан ҳамкорликда пахта ва жундан йигирилган ип ва синтетик толадан пайпоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди. Бунинг учун у Корея Республикасидан 20 та замонавий тўқув дастгоҳи келтириб ўрнатганди.*

– 2015 йилнинг сўнгги икки ойида корхонамиз томонидан 700 турдаги 500 миллион сўмлик сифатли ва бежирим пайпоқлар ишлаб чиқарилди, – дейди Муроджон Қодиров. – Жорий йилда маҳсулотларимиз тури ҳамда сонини кўпайтириш мақсадида яна 100 та юқори унумли тўқув дастгоҳлари олиб келиб, ишга туширишни режалаштирганмиз. Натижада корхонанининг йиллик қуввати 1 миллион 300 минг жуфт пайпоқни ташкил этади. Шунингдек, 100 та янги иш ўрни яратилади.

Айтиш жоизки, ишлаб чиқарилаётган пайпоқларнинг пишиқлиги ва бежиримлиги, ранг-баранглиги барчага маъқул бўлмоқда.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ**

Хоразм Вилояти

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

*Урганч шаҳридаги “RED FLOWER” масъулияти чекланган жамияти жамоаси 2015 йилда 3,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.*

Бундан 3 йил олдин ўз фаолиятини бошлаган корхонада бугунги кунда 150 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлардир.

Жамоа аъзолари томонидан замонавий тикув дастгоҳларида турли шакл ва ранг-баранг кўринишда эркаклар ва аёллар учун тайёрланаётган даструмоллар вилоят аҳолисидан ташқари, Самарқанд ва Жиззах вилоятидаги истеъмолчилар томонидан ҳам харид қилинмоқда. Корхона жамоаси жорий йилида маҳсулотлар тури ва миқдорини янада кўпайтиришни мақсад қилган.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

Фарғона Вилояти

## ЧЕВАР ҚИЗЛАР МАҲОРАТИ

*Ўтган йили ташкил этилган “Риштон савдо инвест” масъулияти чекланган жамиятига қарашли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида тайёрланаётган катталар ва болалар кийим-кечакларига талаб ошиб бормоқда.*

Ўз фаолиятини 100 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига 24 та замонавий тикув дастгоҳи сотиб олишдан бошлаган цехга тумандаги касб-ҳунар коллежларини тикув-бичув йўналиши бўйича тугатган қизлар танлов асосида ишга қабул қилинди. Бу ерда дастлаб аёллар ва эркаклар ҳамда спорт кийимлари тайёрлана бошланди. Ҳозирга келиб, бу маҳсулотлар тури анчага ошган. Тайёр кийим-кечаклар туман ҳудудидаги савдо дўконларига пешма-пеш етказиб берияпти.

– Тикувчи қизларимизнинг тажриба ва касб маҳорати кундан-кунга ошиб боряпти, – дейди бош уста Муборак Маннонова. – Биз шу кунларда қишда кийиладиган иссиқ кийимларни тайёрлашга эътибор қаратяпмиз.

Келгусида бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш мақсад қилинган. Шунингдек, иш ўринларини 100 тага етказиш, хориждан яна замонавий дастгоҳлар сотиб олиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш режалаштирилмоқда.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ**

Қашқадарё Вилояти

## ФЕРМЕРНИНГ ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАСИ

*Нишон туманидаги Юксалиш маҳалласида янги тикувчилик цехи ишга тушди.*

“Холиёров Абдусалом” фермер хўжалиги қошида ташкил этилган мазкур цех учун 230 миллион сўм маблағ эвазига тикув машиналари ва бошқа ускуналар харид қилинди.

– Ҳозирги кунда цехимизда ўн нафар киши иш билан банд, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдусалом Холиёров. – Бундан ташқари, цех ёнида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва савдо дўкони фаолиятини ҳам йўлга қўйганмиз. Келажакда чорвачиликни ривожлантириб, гўшт, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам ташкил этмоқчимиз.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

*Мустақил ривожланиш йиллари давомида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни таъминлайдиган изчил механизмлар тизими яратилдики, бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги тажрибаси хорижий элларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Билдирилаётган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар ва баҳолар ҳам республикамизда қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарадор эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.*

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР ДИҚҚАТГА САЗОВОРДИР»

Масалан, яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий форумининг якунлари Европа экспертлари доирасида катта акс-садо берди.

Жумладан, **“Brussels Diplomatic” газетасининг муҳаррири Оливер Бульто** мамлакатимизда жамоат ташкилотларининг самарали фаолияти учун зарур шароитларни яратишга йўналтирилган тегишли ҳуқуқий базанинг шакллантирилишини юқори баҳолади.

– Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни, мамлакатни либераллаштириш ва давлат бошқарувини модернизациялашни ҳаётга татбиқ этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ва тизимли ишлар амалга оширилаётгани қувонарли ҳолдир, – деди у. – Бунинг натижасида ўтган йиллар мобайнида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланди. Шуниси ҳам эътиборга моликки, ҳозирги пайтда уларнинг ўз салоҳиятларини ҳаётга татбиқ этишлари, аҳолининг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш учун зарур бўлган шароитлар яратилмоқда.

Шу ўринда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишида фаол қатнашишни истаган мамлакат аҳолисини ўз атрофида бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолиятининг муҳимлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бу соҳадаги қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича ҳамда маҳаллий, минтақавий ва умумбашарий миқёсдаги экологик муаммоларнинг ҳал этилишида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан самарали ишларни олиб бораётган Ўзбекистон Экологик ҳаракати табиатни асраш жараёнларида катта аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунга қадар мамлакатда экологик муаммоларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича салмоқли тажриба тўпланди, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги 20 дан ортиқ қонун ва 130 та бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат бўлган мустаҳкам қонунчилик базаси шаклланди.

Республикада “Экологик назорат тўғрисида”ги ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш жараёнларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтиришга кўмаклашади.

**“Жаҳон” АА**

Брюссель

БУГУН – “ВАТАНГА ҚАСАМЁД” МОНУМЕНТИ ОЧИЛГАН КУН

## САДОҚАТ ВА МАРДЛИК ТИМСОЛИ



**Мустақиллик йилларида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада жанговарлиги, тактик маҳорати жиҳатидан ҳеч кимдан кам бўлмаган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди.**

**Бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир.**

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ватанга қасамёд” монументи эл-юртимизнинг Ватан ҳимоячиларига чуқур ҳурмат-эҳтироми, муҳаббатининг ифодасидир. Бу гўзал мажмуада аскар давлатимиз байроғини кўзига суртиб, Ватан ҳимояси учун доимо тайёрлигини билдириб, тиз чўкиб қасамёд қилаётир. Унинг елкаси узра мард ва жасур ўғлонни бағрида авайлаб ўстирган Ватан тимсоли – мунис ва муътабар она ҳарбий хизматга отланган фарзандини дуо қилиб, унга оқ йўл тиламоқда.

Биз орият ва ғурурни ҳамма нарсадан устун қўядиган, лафзи ҳалолликни шараф деб биладиган, бир сўзли халқмиз. Шундай экан, фарзандларимиз – Ватан ҳимоячиларининг қасамёд қабул қилиш маросими шунчаки расмий тадбир эмас. Бу асл ўғлонларимиз, мард ва жасур йигитларнинг ўз халқига, Ватанига, Президентига, ота-онасига бераётган ваъдаси, лафзидир.

“Ватанга қасамёд” монументи пойидан гулчамбарлар аримайди. Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчилар сафи янада кўпайган. Улар орасида йигитлик бурчини ўтаётган аскару офицерлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ота-оналар, пойтахтимиз меҳмонларини кўриш мумкин.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2012 йилда “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Комила Каромова. – Бу мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи муҳим сиёсий ҳужжатдир. Унга кўра, Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат олиб боради: ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет давлатлар ҳарбий базаларини жойлаштирмайди, мамлакатимиз ҳарбий хизматчиларининг чет эллардаги ҳарбий операцияларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

– “Ватанга қасамёд” монументи пойига гул қўяр эканмиз, бизда ҳам ҳайкалда тасвирланган жасур аскардай юрт ҳимоячиси бўлиш истаги пайдо бўлди, – дейди пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 277-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шоҳрух Маҳмудов. – Келгусида жонажон Ватанимиз корига ярайдиган, жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлишга ваъда берамиз.

Президентимиз Ислом Каримов “Ватанга қасамёд” монументи очилишига бағишланган маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, “...бугун ҳаммамизга аён бўлиши керак – армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир”.

“Ватанга қасамёд” монументи ёшларимизни она юртга меҳр-муҳаббат, садоқат, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Ватанни кўз қорачиғидек асраш, уни ҳимоя қилиш мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас ва шарафли бурчидир.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# АРМИЯ – ТОБЛАНИШ МАКТАБИ

(Боши 1-саҳифада)

...Армиянинг мақташга арзигулик жиҳатларидан бири – одамни тартибли яшашга ўргатаркан. Эрталаб соат олтида туришга ўрганиб ҳам қолдим. Уйдагидек кимдир турткилаб турғизаётгани йўқ. Чошгоҳгача ухлашни бугун тасаввур ҳам қилолмайман.

Биринчи қиладиган ишимиз ювинишу бадантарбия машқлари. Армияга келганимга икки ой тўлмади-ю мушакларим тўлишиб, танам янада тетиклашганини ҳис қилаяпман. Алп келбатли бўлиш... Қандай яхши!



Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Эсимни таниганимда бобом билан бирга далада мол боқардик. Бобом тунлари чопонининг иссиқ пинжига ўраб, эртагу достон айтарди. "Ҳакимбек етти ёшга етганда бурро саводи чиқиб, хат ўқиб, ёзадиган бўлди. Сўнг отаси унга сипоҳлик илмини ўргатайин, деб мактабдан чиқариб олди. Шу ёшида катта бобоси Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмон ёйни даст кўтариб тортди. Ўқ яшиндай бўлиб кетди, Асқар тоғининг чўққиларини юлиб ўтди. Буни кўрган эл-улус "Озод элимизнинг келажаги бардавом, қинғир кўзли ёғий борки, қолмагай омон", дея енгил нафас олди. Халқ ёш Ҳакимбекни Алпомиш деб атай бошлади", жўшиб сўзларди бобом.

Катта бўлсам, мен ҳам Алпомиш бўламан, дердим мен.

"Сен кучли, ақлли, мард бўлсанг, ўз юртингни жондан севсанггина бу мақсадингга етишинг мумкин", дерди бобом жилмайиб. Сўнгра узоқ сукутга чўмарди. Оппоқ қор босган тоғлардек мунғаярди гўё. Мен эса хаёлга берилардим: гоҳ эртак қаҳрамонлари бўлиб деву аждарларни маҳв этардим, гоҳ Алпомишу Гўрўғли бўлиб ёвга қарши курашардим. Доимо ғалабалар менга ёр эди, аммо... Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ундан олинган сабоқ менга бир умр йўлдош, ҳатто муваффақиятларимга пойдевор бўлган.

...Наврўз эди. Чор-атроф ям-яшил гиламга бурканган. Халойиқ байрам баҳона қишлоқ четидаги кенгликка йиғилган. Маҳалламизда баҳорий тенг кунликни нишонлаш, сумалак ва ҳалим пишириб, элга тарқатиш, қадимий урф-одатларимиз, спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган.

Биз, болалар қувончдан кўксимизга сиғмаймиз. Тоғларга туташган далада у ёқдан бу ёққа чопамиз, анҳор бўйидаги энди япроқлари барқ ура бошлаган тол шохларига осиламиз. Шу пайт баковул кураш бошланганини эълон қилиб қолди. Анчадан буён тайёрланиб, кутиб юрганим учун «оёғимни қўлимга олиб» давра ясаган одамлар томон чопдим.

Баковул полвонларни гиламга чорлади. Қарасам, синфдошим Асқар енг шимариб чиқиб келаяпти. Бобом менга ҳам рухсат берди. Лекин Асқар қайта одамлар орасига кириб кетди-ю, ўрнига акаси Асрор чиқиб келди. Тушунмай қолдим. Гилам ўртасидаман. Баковул билагимдан ушлаб турибди. Асрор билан олишмоқчи эмасдим, бироқ даврани ташлаб қочишга ғурурим йўл қўймади. Курашдим... курагим ерга теккунича.

Одамлар орасидан отилиб чиқиб, уйимиз томон югурдим. Бардошим етмади, йиқилганим учун эмас, орим учун, ўз наздимда бўлган ноҳақлик учун йиғладим. Қаршимда бобомнинг жилмайиб турганини кўриб, яна хўрлигим келди. "Асрор ғирромлик билан ютди. Ахир мен у билан курашмоқчи эмасдим", дедим. Бобом далда берди: "Йиғлама, ўғлим, инсон мағлубиятни ҳам тан ола билиши керак. Муҳими, ҳали кўплаб ғалабаларга эришиш имкониятинг бор. Барчаси ўз қўлингда. Ўз устингда ҳафсала билан ишласанг, тинмай машқ қилиб, ҳаракатда бўлсанг, ўз кучингга ишонсанг, муваффақиятлар доим кафтингда бўлади". Кейинчалик бу сўзларда катта ҳикмат борлигига кўп иқрор бўлдим.

Ҳарбий хизматда жисмонан ва руҳан чиниқаяпман. Курашу спорт мусобақаларида сафдошларим билан беллашиш жону дилим. Энг муҳими, бугун чинакам ғалаба ўз "мен"ингни маҳв этиш, баҳодирлик Ватан ҳимояси учун доимо "лаббай" деб жавоб бериш эканини яхши англайман.

...Бугун онам ва бобом мени кўргани ҳарбий қисмга келишди. "Сездингизми, бобоси, ўғлимиз анча тўлишибди. Армияда шароит зўр шекилли!" деди онам севинчини яширолмай.

"Албатта, зўр-да, – деди бобом кулиб. – Ҳарбий хизмат ўғлингга маъқул келгани шундоқ юз-кўзидан билиниб турибди".

Бобомнинг гапида жон бор. Таомномамизни кўрсангиз, нақ зиёфат, дейсиз. Нонушта, тушки ва кечки овқатга бошқа-бошқа таом ва ширинликлар тортилади. Бир кун овқатга мол гўшти солинса, эртасига товуқ ёки балиқ гўшти пиширилади.

"Яратганга шукр, бугун аскар бўлиш барча йигитларнинг орзу-истаги, – деди бобом. – Бир вақтлар фарзандларимиз умрининг гуллаган даврининг икки-уч йилини оғир ва машаққатли шароитда ўтказарди. Ўзбекистондан армияга чақирилган йигитлардан асосан қурилиш батальонларида, оғир ишларда фойдаланиларди. Қолаверса, ўша замондаги носоғлом муҳит оқибатида қанчадан-қанча йигитларимиз ҳарбий хизматга ўз оёғи билан кетиб, сўнг... ҳатто ота-онасига ҳам очиш мумкин бўлмаган темир тобутларда қайтарди..."

Бобомнинг мунгли кўзларидаги дард юрагимни ўртади.

...Ўшанда иккинчи синфда ўқирдим. Мактабдан йиғлаб келдим. Болаларнинг айтишича, отам йўқ эмиш, ўлиб кетганмиш. Чопиб бориб бобомдан бунинг рост-ёлғонлигини сўрадим. Бобом бош ирғаб бунинг ростлигини тасдиқлади. Очиғи, шу пайтгача бобомни отам деб ўйлардим, баъзида у кишини нега "бобо" дейишимни тушунмасдим. Онамдан бу ҳақда бир сўраганимда, қаттиқ дашном эшитганман.

Унда отам ким? Нега ўлган? Бу қандай юз берган? Бу саволлар мени қийнаётганини сезган бобом елкамга қўлини қўйиб, оғир хўрсинди. Сўнгра кўп бора сўзлаб берган «Сўнмас жасорат» ҳақидаги ҳикоя қаҳрамони отам эканини айтди. Овозига қўшилиб, оппоқ соқоли ҳам титраб кетди.

"Эндигина уйланган ёш йигит чет давлатда кечаётган жанг майдонига мажбуран олиб кетилди, – деб ҳикоясини бошларди бобом. – Тўпларнинг гумбур-гумбуридан чанги чиққан тоғ этаги. Ўқ-дорисиз қолган взвод нажот кутмоқда. Аянчлиси бу эмас. Душман яқиндаги ғорга келиб жойлашгани ҳақида хабар бор. Улар ҳадемай ҳужумга ўтиб қолиши ҳеч гап эмас. Командир аскарлар ичида абжири Мансуржон ва яна бир аскарни разведкага юборади. Уларга жангариларни топиш, кузатиш, агар уруш ҳаракатлари бошлангудек бўлса, взводни хабардор қилиш вазифаси юкланади.

Разведкачилар тоққа кўтарилиб, айни ҳужумга ўтиш арафасида турган душманга дуч келади. Мансуржон дўстига взводни хабардор қилишни буюриб, ўзи душманни чалғитиш мақсадида уларнинг қурол-яроғ, озиқ-овқат захирасини портлатишини айтади. Дўстининг қаршилигига қарамай, у сўзида туриб олади. Бу Мансуржоннинг сўнгги ва сўнмас жасорати эди".

Бобом бу ҳикояни сўзлаётганда кўзларини юмиб оларди. "Сен ҳам Мансуржондек мард ва жасур, юрт учун жон фидо этишга қодир инсон бўлишинг керак", дерди сўнг ёшларини артаркан.

Шукрки, бугун ўз Ватанимизда, барча шароитларга эга ҳарбий қисмларда хизмат қилаяпмиз. Халқимиз ардоғида, давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборидамиз. Мамлакатимизда йигитларни армияга кузатиш ҳам, аскарларни кутиб олиш ҳам тўйга, байрамга айланиб кетади гўё.

...Телевизорда мамлакатимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини кўрсатишди. Кўриб кўзинг қувнайди, дилинг яйрайди. Мана шу жаннатмонанд юрт бизники! Ҳаётимиз, келажагимиз эл-юртимиз тараққиёти билан уйғун.

Армияга келиб ҳаётга бошқача кўз билан қарайдиган бўлдим. Аниқроқ айтганда, улғайганимни ҳис қилдим.

Шу муқаддас Ватан фарзанди эканимдан мамнунман. Ҳаёт менга муваффақият калити ғалабага ташна яшаш, фақат олдинга интилишда эканини ўргатди. Армия Ватанни ҳимоя қилиш кундалик ҳаётимизни обод этишдан, ўз манфаатини эл-юрт равнақи билан уйғунлаштиришдан бошланишини англатди".

...Миржалолнинг кундалигига битган кечинмаларини ўқирканман, Президентимизнинг армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабидир, деган сўзлари бот-бот ёдимга тушади.

Булар ҳар томонлама тайёргарликка эга ва тобланиш мактабини ўтаган, ҳар қандай вазиятда Ватан ҳимояси учун тайёр тура оладиган бутун бир авлод вояга етаётгани ҳақида бир лавҳа, холос.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

*Куз серёғин келди. Қиш нисбатан илиқ келмоқда. Бу ғалла экилган майдонларда кўп миқдорда бегона ўт уруғларининг ва кўп йиллик ўтларнинг илдизпоялари сақланиб қолишига шароит яратади. Сақланиб қолган бегона ўтлар қулай шароит бўлганда ва эрта баҳорда тез ўсиб, кузги ғалла экинларини босиб кетиши туфайли ҳосилга салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, дала четлари ҳамда ариқ-зовур атрофларидаги хас-хашакларда зараркунандалар тухуми ва ғумбаклари, касалликлар замбуруғлари сақланиб қолиши кўпроқ кузатилиши мумкин.*

# МАЙСАЛАР ТИНИМ ДАВРИДА

## АММО ҒАЛЛАКОРЛАР ТИНИМ БИЛМАСА, МЎЛ ҲОСИЛГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ҚЎЙИЛАДИ

Кузги буғдойда ҳар қандай шароитда ҳам физиологик жараён давом этади, унинг ривожи учун энергия зарур бўлади. Кунлик ҳарорат +3-5 °С бўлганда қишлаш даврида фотосинтез жараёни тўхтаб, фақат нафас олиш жараёни устунлик қилади. Бунда ғалланинг экиш даврида берилган фосфорли ва калийли минерал ўғитлардан илдиз орқали синтез қилинган органик моддалар ҳисобига нафас олиш содир бўлади.

Кузги буғдой совуқ даврда энергияни фақат нафас олиши жараёнида танасидаги захира моддаларнинг парчаланиши эвазига ҳосил қилади. Шу билан бирга, қишда кундуз кунлари ўсимликда фотосинтез жараёни кечмайди. Ўсимлик қуёшнинг ёруғлик энергиясидан фойдаланиши эвазига хлорофил доначаларини тўплайди. Бунинг натижасида ўсимликнинг кечки совуқларга чидамлилиги ошади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кузги буғдой парваришида қиш фаслида қуйидаги агротехник тадбирларни бажаришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Бу даврда амалга ошириладиган энг муҳим агротехник тадбирларидан бири ўртача 1 гектар майдонга 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғаришдир. Ҳар 5 гектар майдонга 1 тадан 50 тонна маҳаллий ўғитни "шарбат"га айлантириш учун хандақлар қазиб, далага чиқарилган маҳаллий ўғитларни хандақларга солиб устидан 5-10 см. қалинликда кўмиб қўйиш керак.

Майсаларнинг 3-4 барг, 1-2 барг ёки униб чиқмаган майдонларида ер ёрилиш ҳолатларини аниқлаш зарур бўлади. Бундай майдонларга жамғарилган қуруқ гўнг сочишни ташкил этиш (далада юза гўнг қатламини ҳосил қилиш) ҳамда шу майдонларни ҳар 2-3 кунда кузатиб бориш лозим.

Ер музлаган вақтлар даладаги қолдиқ ғўзапояларни ўриб олиш учун қулай фурсат ҳисобланади.

Қиш кунлари ғалла майдонларини сув билан таъминлайдиган ички ариқларни тозалаш ишларини ўтказиш баҳорда ғаллакор учун осонлик туғдиради.

Еросты сувлари 1,5 метрдан чуқур жойлашган майдонларда енгил чилла суви бериш фойдали ҳисобланади. Тупроқда етарлича намлик тўпланади, ғаллага касаллик ва ҳашаротлар тушишининг олди олинади. Бу майдонлардаги маҳсулдор поялардан чиққан бошоқдаги доннинг вазни ортади ва ғалланинг умумий ҳосилдорлиги 5-10 центнерга кўпаяди.

Майсаларни азотли ўғитлар билан биринчи озиқлантириш ишлари об-ҳаво шароитига қараб, февраль ойининг ўрталарига тўғри келади. Шу кунларда эса ўғит сепиш мосламалари (НРУ-05), ўғит ташиш учун мўлжалланган транспорт тракторларини тўлиқ таъмирдан чиқариш зарур бўлади. Шунингдек, ҳудудлар бўйича фермер хўжаликларига биринчи ва иккинчи озиқлантириш учун етарли миқдордаги минерал ўғитлар захирасини яратиш зарур.

Такрор ғалла экилган майдонларда ғалладошлар оиласига мансуб бегона ўтлар кўпайишини ҳисобга олиб, уларга қарши гербицидлар (Атлантис, Топик, Тердок, Далзлак ва ҳ.к.) захираси яратиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу мавсумда об-ҳавонинг нисбатан илиқ келаётгани туфайли касаллик ва зараркунанда ҳашаротларнинг бирмунча кўп бўлиши кутилмоқда. Шунинг учун ҳар гектар ғалла майдонига талаб этиладиган фунгицидлар ва пестицидлар захирасини ташкил этиш зарур.

Ғалла майдонларида парваришланаётган бошоқли дон экинларининг навларига қараб, ниҳоллар ҳолатини ўрганиб, мутахассислардан иборат дала кузатув гуруҳлари ташкил этиш қиш ойларининг яна бир муҳим тадбирларидан бири ҳисобланади.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларни юртимиз ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда сифатли амалга ошириш бу мавсумда ҳам юқори ҳамда сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайди.

**Равшанбек СИДДИҚОВ,**
*Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.*

Жиззах Вилояти

# АСКАР ОНАЛАРИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

*Жиззах шаҳрида вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ҳамкорлигида "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан" шиори остида маданий-маърифий тадбир уюштирилди. Тадбирда ҳудуддаги ҳарбий қисмларнинг аскар ва офицерлари, мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаётган аскарларнинг оналари, бурчини бажариш давомида ҳалок бўлган ички ишлар, божхона ходимлари ҳамда ҳарбийларнинг яқинлари иштирок этишди.*



Ватан ҳимоячилар куни ва Миллий Армиямиз ташкил этилганининг 24 йиллигига бағишланган тантанада юрт тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги ва давлатимиз чегараларининг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтилди. Хусусан, республикамиз мудофаа қудратини ошириш, қурол-аслаҳа ва техника таъминотини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал ва жисмоний тайёргарлигини ошириш орқали Миллий Армиямизнинг жанговар салоҳиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар тилга олинди. Комил фарзандлар тарбиялаб, юрт ҳимоясидек буюк ишга қўшаётган ҳиссаси учун ота-оналарга миннатдорчилик билдирилди.

Шундан сўнг республикамизнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий қисмларда намунали хизмат қилаётган жиззахлик 20 нафар аскар оналарига гулдасталар топширди. Кутилмаган учрашувдан бошлари осмонга етган оналар ҳарбий хизматни ўташ давомида жанговар шайлик ва хулқ борасида сафдошларига ибрат бўлаётган ўғилларига уч кунлик таътил эълон қилинганлигини эшитиб, кўнгиллари қувончдан тўлиб-тошди.

– Ўттиз бешинчи набирам Шаҳобиддин Қаршибоев ҳозир аскар сифатида Ватан олдидаги бурчини ўтаяпти, – дейди Бахмал туманининг Янгибоғ маҳалласида яшовчи 75 ёшли Насибали момо Назарова. – Шукрки, юртимиз тинч, кунларимиз осойишта. Аввал фарзандларим, энди набираларим ўз йигитлик бурчини ўтаб, юрт ҳимоясидек улуғ ишга бел боғлаган. Набирам эр етиб, ҳақиқий юрт ҳимоячисига айланганлигини ҳис этдим. Биз кексалар элимизга, фарзандларимизга соғлик, омонлик соғиниб чарчамаймиз.

– Муддатли ҳарбий хизматни адо этганимдан сўнг бир гуруҳ сафдошларим билан бирга шартнома асосида хизматни давом эттириш ниятим бор, – дейди аскар Шаҳобиддин Қаршибоев. – Ниятим – озод Ўзбекистонимиз Қуролли Кучларининг офицери бўлиш. Бугунги тадбирда иштирок этаётган яқинларимнинг кўзларидаги ғурурни кўриб, юрт ҳимоячиси бўлиш улкан шараф эканлигини чуқурроқ ҳис этдим.

Тадбир давомида хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, божхона, ички ишлар ва бошқа бир қатор соҳа вакилларининг қариндошларига вилоят ҳокимлигининг ташаккурномалари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди. Худди шундай эъзоз, ибратли аскарлар ва уларнинг оналарига ҳам кўрсатилди. Ёш спортчилар ва ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишлари, ҳудуддаги бадиий жамоаларнинг концерти тантанага ўзига хос шукуҳ бахш этди. Тадбир доирасида аскар анжомларининг кўргазмаси уюштирилди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ўқитувчилар касб маҳоратини оширишга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

## УСТОЗЛАР КАСБ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШДИ

Президентимизнинг қатор асарлари асосида ташкил этилган ўқув соатларида таниқли олимлар, ижодкорлар ва зиёлилар иштирок этгани унинг қизиқарли ва янада мазмунли, энг муҳими, мустақиллик моҳиятини янада ёрқинроқ очадиган, ҳаётий мисолларга бой бўлишини таъминлади. Тадбирларда мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар самараси, эришилган ютуқлар, истиқлол берган имкониятлар ҳақида кенг тушунчалар берилди.

– Тадбирларда мустақиллик имкониятлари ҳақида сўз юритилар экан, "Ким эдигу ким бўлдик?" деган саволнинг жавобини янада ёрқинроқ кўрдик, – дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Қодир Шаввозов. – Айниқса, Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" номли асарларидан бугунги куннинг, шу жумладан, биз педагогларнинг олдидаги муҳим вазифаларни белгилаб олдик.

Тадбирлар давомида профессор-ўқитувчилар билим ва малакаларини янада оширишди. Олимлар томонидан қилинган маърузалар барчада катта таассурот қолдирди.

**Дурбек РАҲМОНОВ**

Андижон Вилояти

# ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК КЕЛТИРГАН ШУҲРАТ

*Козимжон Маманабиев бундан йигирма йил олдин "Андижон пахта" корхонасига чилангар бўлиб ишга кирди. Ўтган даврда унинг чилангарлик борасидаги иқтидори сайқал топди. Шу вақт ичида у ўзининг зийраклиги, ўз устида ишлашга бўлган иштиёқи билан ҳамкасбларининг эътиборини қозонди.*

Корхонанинг бир маромда ишлаши билан боғлиқ жиҳатлар кўп. Хусусан, кўзга арзимагандек кўринадиган салгина хатолик ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига сезиларли салбий таъсир кўрсатади. Бош муҳандис Санъатбек Тошматовнинг айтишича, технологик жараённинг узвийлиги бевосита чилангарлар меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Тайёрланган пахта хомашёсини қуритиш-тозалашдан бошлаб ишлаб чиқарилган тола ва бошқа иккиламчи маҳсулотларни тойлаб омборга жойлашгача бўлган жараён ортида сифат ва унинг ортидан келадиган корхона даромади ўз аксини топади.

Ҳозир устоз даражасига кўтарилган Козимжон Маманабиев бош механик ёрдамчиси сифатида буни чуқур ҳис этади. Унинг ўтган йигирма йил давомида ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ бир қатор рационализаторлик таклифлари ва ихтиролари корхонада кенг қўлланилмоқда. Шогирдлари Даврон Ураимов, Алимардон Мақсудов, Ўткир Қаҳҳоров, Дониёр Ҳамроалиевлар эндиликда устозининг ишончини оқлашмоқда.

Козимжон Маманабиев меҳнат қилаётган корхонада ихтисослашган ғўза уруғчилиги цехи мавжуд. Бу цехга замонавий технологиялар ўрнатилган. Фермерларнинг ишончини оқлайдиган даражада уруғлик чигит тайёрлаш корхона жамоасидан катта масъулиятни талаб этади. Бу мавсум учун корхонада 1 минг 200 тонна чигит тозаланиши ва ундан 900 тонна туксизлантирилган уруғлик тайёрланиши режалаштирилган. Айни кунларда бу ерда уруғлик чигит тайёрлаш қизғин бормоқда. Белгиланган тартибдаги андозалар даражасида иш ташкил этилгани боис, туксизлантирилиб, зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов берилган уруғлик чигитлар пешма-пеш омборларга жойлаштирилмоқда. Технологик узвийликни таъминлаш эса бевосита чилангарлар зиммасида.



**СУРАТДА:** *Козимжон Маманабиев (ўртада) ҳамкасблари даврасида.*

Республикамиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Козимжоннинг ҳаётида ёдда қоларли воқеа содир бўлди. Президентимизнинг фармони билан Козимжон Маманабиев "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Уста чилангарнинг меҳнати Юртбошимиз томонидан эътироф этилгани ҳамкасблари ва шогирдларини бирдек қувонтирди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**ЛОТ-1-1: "Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 7-мактабни капитал реконструкция қилиш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 639 852 350 сўм, ҚҚСсиз 1 366 543 625 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 200 кун.

**Лот-1-2: "Тошкент вилояти Зангиота тумани "Масалбой" ҚФЙдаги 54-мактабни капитал реконструкция қилиш (24 ўқувчи ўринли мактабни қўшимча қуриш)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 524 598 186 сўм, ҚҚСсиз 1 270 498 488 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 210 кун.

**Лот-1-3: "Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 27-мактаб филиалини реконструкция қилиш (96 ўқув ўринли ўқув блогини қўшимча қуриш)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 544 161 302 сўм, ҚҚСсиз 453 467 752 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 150 кун.

**Лот-1-4: "Тошкент вилояти Бўка туманидаги 27-мактаб филиалини реконструкция қилиш (96 ўқув ўринли ўқув блогини қўшимча қуриш)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 560 686 305 сўм, ҚҚСсиз 467 238 587 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 150 кун.

**Лот-1-5: "Тошкент вилояти Пискент туманидаги 9-мактабни реконструкция қилиш (80 ўринли ўқув блогини қўшимча қуриш)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 465 669 424 сўм, ҚҚСсиз 388 057 853 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 120 кун.

**Лот 2-1: "Зангиота туманидаги 624 ўқувчи ўринли 62-мактабни реконструкция қилиш" (12x24 м. ўлчамдаги спорт залини қўшимча қуриш).**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 490 557 012 сўм, ҚҚСсиз 1 242 130 843 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 210 кун.

**Лот 2-2: "Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш" (3-босқич).**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 2 718 757 200 сўм, ҚҚСсиз 2 265 631 000 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 240 кун.

**Лот 2-3: "Тошкент вилояти Пискент тумани Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (3-босқич).**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 982 010 808 сўм, ҚҚСсиз 1 651 675 673 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 240 кун.

**Лот-2-4: "Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (Марказий кўп тармоқли поликлиниканинг 25 ўринли юқумли касалликлар бўлими биносини қайта қуриш)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 845 640 273 сўм, ҚҚСсиз 1 538 033 561 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 210 кун.

**Лот-3-1: "Тошкент вилояти Чиноз тумани "Туркистон" ҚФЙ Т.Эрназаров номли маҳалла ҳудудидаги Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 4 507 238 176 сўм, ҚҚСсиз 3 756 031 813 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 280 кун.

**Лот-3-2: "Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (30 ўринли болалар бўлими)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 2 082 122 150 сўм, ҚҚСсиз 1 735 101 792 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 220 кун.

**Лот-3-3: "Тошкент вилояти Ангрен шаҳри Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (35 ўринли туғуруқ комплексини, 55 ўринли болалар бўлинмасини ва бошқа объектларни капитал таъмирлаш)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 477 564 125 сўм, ҚҚСсиз 1 231 303 437 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 200 кун.

**Лот-3-4: "Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (30 ўринли юқумли касалликлар бўлимининг қурилиши ва бошқа объектлар)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 2 512 942 220 сўм, ҚҚСсиз 2 094 118 517 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 200 кун.

**Лот-4-1: "Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 392 ўқувчи ўринли 20-мактабни капитал таъмирлаш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 690 273 032 сўм, ҚҚСсиз 575 227 527 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 150 кун.

**Лот-4-2: "Тошкент вилояти Пискент туманидаги 318 ўринли 7-мактабни капитал таъмирлаш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 589 413 599 сўм, ҚҚСсиз 491 177 999 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 150 кун.

**Лот-4-3: "Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 29-мактабни капитал таъмирлаш"**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 864 771 827 сўм, ҚҚСсиз 720 643 189 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 180 кун.

**Лот-4-4: "Янгийўл туманидаги 624 ўқувчи ўринли 9-мактабни капитал таъмирлаш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 942 515 681 сўм, ҚҚСсиз 785 429 734 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 180 кун.

**Лот-4-5: "Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 420 ўқувчи ўринли 12-мактабни капитал таъмирлаш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 576 485 070 сўм, ҚҚСсиз 480 404 225 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 150 кун.

**Лот-4-6: "Зангиота туманидаги 784 ўқувчи ўринли 9-мактабни капитал таъмирлаш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 169 003 842 сўм, ҚҚСсиз 974 169 868 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 200 кун.

**Лот-5-1: "Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги педагогика институти биносини 450 ўқувчи ўринли Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Академик лицей учун капитал реконструкция қилиш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 883 582 280 сўм, ҚҚСсиз 1 569 651 900 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 220 кун.

**Лот-5-2: "Ангрен шаҳридаги Ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 197 766 490 сўм, ҚҚСсиз 998 138 742 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 210 кун.

**Лот-5-3: "Тошкент вилояти Паркент туманидаги Хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш (60 ўринли устахона қурилиши)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан – 1 183 763 772 сўм, ҚҚСсиз – 986 469 810 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 210 кун.

**Лот-5-4: "Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги алоҳида фанларни чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни капитал таъмирлаш (олдинги Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг алоҳида бинолари базасида 2-босқич)".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 920 842 181 сўм, ҚҚСсиз 1 600 701 818 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 240 кун.

**Лот-5-5: "Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1 920 842 181 сўм, ҚҚСсиз 798 823 298 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 180 кун.

*Диққат! Қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция ҳамда давлат бюджети ва бошқа марказлашган манбалар маблағи ҳисобидан молиялаштириладиган капитал таъмирлаш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

**Лойиҳани молиялаштириш** давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси 19-уй.

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларида Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

**Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади:** иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 311-хона. Тел: 241-15-32, факс: 241-15-26.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 30 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Лот - 2. "Бухоро вилояти Бухоро туманида 216 ўқувчи ўринли 41-сонли мактаб қурилиши".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 500 000 000 сўм, ҚҚСсиз 2 083 333 300 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

ЛОТ – 3:

**Лот 3-1. "Бухоро шаҳридаги 300 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 300 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши" .**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 978 300 000 сўм, ҚҚСсиз 815 250 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 3-2. "Бухоро вилояти Олот туманидаги 290 ўқувчи ўринли 21-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 210 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 758 522 050 сўм, ҚҚСсиз 632 101 710 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

ЛОТ – 4:

**Лот 4-1. "Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 26-сонли (ақли заиф болалар учун) махсус мактаб-интернатини реконструкция қилиш".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 250 000 000 сўм, ҚҚСсиз1 041 666 670 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 4-2. "Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 300 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 300 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 068 653 180 сўм, ҚҚСсиз 890 544 320 сўм.**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 4-3. "Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 2-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 418 960 370 сўм, ҚҚСсиз 349 133 640 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 июль.

ЛОТ – 5:

**Лот 5-1. "Бухоро вилояти Олот туманидаги хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш (60 ўринли устахона қурилиши)".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 100 000 000 сўм,ҚҚСсиз 916 666 670 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 5-2. "Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш (60 ўринли устахона қурилиши)".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 100 000 000 сўм, ҚҚСсиз 916 666 670 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 5-3. "Бухоро шаҳрида жойлашган Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги 1-сонли академик лицейни реконструкция қилиш (200 ўринли ётоқхона биноси қурилиши)".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 2 500 000 000 сўм, ҚҚСсиз 2 083 333 300 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

ЛОТ – 6:

**Лот 6-1. "Бухоро вилояти Ромитан туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 100 000 000 сўм, ҚҚСсиз 916 666 670 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 июль.

**Лот 6-2. "Бухоро вилояти Пешку туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 970 666 196 сўм, ҚҚСсиз 808 888 497 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 июль.

ЛОТ – 7:

**Лот 7-1. "Бухоро вилояти Олот туманидаги педагогика ва спорт касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 077 834 850 сўм, ҚҚСсиз 898 195 710 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 июль.

**Лот 7-2. "Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 065 402 071 сўм, ҚҚСсиз 887 835 060 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 июль.

ЛОТ – 8:

**Лот 8-1. "Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 300 ўқувчи ўринли 34-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 300 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 929 909 740 сўм, ҚҚСсиз 774 924 780 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 8-2. "Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 510 ўқувчи ўринли 13-сонли мактабни реконструкция қилиш, 240 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки ва 12x24 м. ўлчамли спортзал қурилиши".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 608 369 960 сўм, ҚҚСсиз 1 340 308 300 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 8-3. "Бухоро вилояти Жондор туманидаги 540 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 270 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 250 000 000 сўм, ҚҚСсиз 1 041 667 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 август.

**Лот 8-4. "Бухоро вилояти Қоракўл туманида жойлашган Бухоро давлат университети қошидаги 3-сонли академик лицейнинг ётоқхона биносини мукаммал таъмирлаш".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 795 246 130 сўм, ҚҚСсиз 662 705 110 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 июль.

**Лот 8-5. "Бухоро вилояти Жондор туманидаги 11-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш".**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 700 000 000 сўм, ҚҚСсиз 583 333 300 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2016 йил 1 июль.

**Қурилиш ишлари** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.*

*Марказлаштирилган капитал қуйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.*

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри Навоий шоҳкўчаси 5-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-63-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шоҳкўчаси 6-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳкўчаси 6-уй.

**Изоҳ:** *Таклифлар (офёрталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.*

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ-7-5:

**Лот-7-1: "Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги "Таллиғулом сув мева узум", "Баҳор боғли", "Пастдарғом", "Хончарбоғ магистрал Мусаффо" ва "Прогресс нур сувчилари" СИУлар ҳудудидаги коллекторларни реконструкция қилиш ва ёпиқ горизонтал дренаж қуриш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 174 155 612 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 16 ой.

**Лот-7-2: "Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги "Зарбдор" ММТП ҳудудида "Бедона" коллектори ўзанини мувозанатлаштириш ва мустаҳкамлаш тадбирларини бажариш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 637 966 846 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 8 ой.

**Лот-7-3: "Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги "Қоратепа-Файзобод" СИУ ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 806 326 660 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 11 ой.

**Лот-7-4: "Тошкент вилояти Бекобод тумани Ойбек номли СИУ ҳудудидаги "ПВ-46-47" коллектор тизимини реконструкция қилиш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 541 530 615 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 8 ой.

**Лот-7-5: "Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ ва Қибрай туманларидаги "Оковул", "Яйилмасой" ва "Дархон-2" коллекторларини иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 241 421 079 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати** – 8 ой.

ЛОТ-8-5:

**Лот-8-1: "Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Р.Есенкулов, "Халқобод ҳаёт манбаи", "Баробарлик булоғи" ва "Истиқлол шаршараси" СИУлар ҳудудида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 496 579 020,0 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 13 ой.

**Лот-8-2: "Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Оқбулоқ" ва "Пахтакор" СИУлар ҳудудида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 940 096 508,0 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 12 ой.

**Лот-8-3: "Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги "Ўзбекистон", "Мирзачўл" ва "Пахтазор" СИУлар ҳудудида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 741 133 364,0 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 11 ой.

**Лот-8-4: "Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги "Нурафшон" ва "Истиқбол" СИУлар ҳудудида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 626 060 293,0 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 11 ой.

**Лот-8-5: "Қашқадарё вилояти туманларида кузатув тармоқларни қуриш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 238 460 844,0 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 7 ой.

*2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

*Қиймати 500 000 000,0 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

**Қурилиш ишларини молиялаштириш** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

**Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади:** иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 311-хона. Тел: 241-15-32, факс: 241-15-26.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

## ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 5 январда 02/1-865 сон билан тасдиқланган Назорат-режага мувофиқ 2016 йил Инвестиция дастурига киритилган объектлар бўйича танлов савдолари оммавий ахборот воситаларида эълон берилган санадан бошлаб 15 кундан сўнг ўтказилиши маълум қилинади.

Наманган Вилояти

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# БАНКЛАР ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

ASAKA BANK

**Иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Наманган вилоятида ҳам изчил ривожланмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида бу соҳанинг улуши 80 фоизни ташкил этмоқда, иш билан банд аҳолининг 82 фоиздан зиёди ушбу жабҳада меҳнат қилмоқда. Сирасини айтганда, тадбиркорлик субъектлари барча соҳаларда пешқадамлик қилмоқда.**



Соҳани ривожлантиришга эса молия муассасалари ўзининг молиявий кўмаги билан ҳисса қўшмоқда. Хусусан, "Асака" акциядорлик тижорат банкининг Наманган вилояти филиали томонидан олиб борилаётган ишлар эътиборлидир.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк филиали кредит қўйилмалари ҳажми 86,5 миллиард сўмни ташкил этди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардир.

2015 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 29 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди. Бу борадаги ўсиш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 бараварга ошди. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, уларга асосан ёшлар қабул қилинди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 4,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Банк филиали томонидан тадбиркор аёлларга молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда тадбиркор аёлларга ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш учун 4,1 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

Молия муассасаси томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлашда ҳам банк ишончли ҳамкорга айланди, десак муболаға бўлмайди. Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришда, уларга катта имкониятлар яратишда муҳим ўрин тутмоқда. Банк филиали томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредитлар ажратилмоқда.

– Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ва яратилган имкониятлар бизни улкан ишларни амалга оширишга ундамоқда, – дейди **учкўрғонлик ёш тадбиркор Оминахон Мамажонова.** – Тадбиркорлик соҳасига қизиқардим. Коллежни тугатгач, бизнес фаолиятимни хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғладим. Учкўрғон шаҳрида аҳолига умумий овқатланиш хизматларини кўрсатишни мақсад қилиб, бизнес-режа туздим. Уни "Асака" банкининг Наманган вилояти филиали молиявий қўллаб-қувватлади. Тақдим этилган ҳужжатлар қисқа вақтда кўриб чиқилиб, менга ошхона биносини таъмирлаш ҳамда зарурий ускуналар ва жиҳозлар олиш учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада 4 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда аҳоли бизнинг хизматларимиздан мамнун. Мижозларимиз сони ҳам кундан-кунга кўпайиб, шунга яраша даромадимиз ҳам ошиб бормоқда.

Банк филиали вилоят аҳолисининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ўтган йилда ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида 10,8 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

– Мамлакатимизда тадбиркорларнинг қўлга киритаётган ютуқлари, эришаётган натижаларини кўриб қувонамиз, айни вақтда фахрланамиз, – дейди **Наманган туманидаги "Иқбол" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Шарифбоев**. – Бу жараёнда, албатта, тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, берилаётган имтиёзлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргина молиявий кўмакни олайлик. Биз ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланяпмиз. Хусусан, "Асака банк"нинг Наманган вилояти филиалидан сутни қайта ишловчи ускуналар олиш учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит олиб, фаолият бошладик. Ҳозирда корхонамизда 15 нафар киши меҳнат қилмоқда. Мактабгача таълим муассасалари, шифо масканлари, қолаверса, аҳолини сифатли ва экологик тоза сут маҳсулотлари билан таъминлаяпмиз. Бизга кўрсатилаётган хизматлар учун "Асака банк" жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ўйлаймизки, ўзаро ҳамкорлигимиз янада ривожланиб бораверади.

– Республикамиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк улушини изчил оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш орқали тадбиркорларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамланиб бораётганлиги биз тадбиркорларни қувонтиради ва масъулиятли бўлишга ундайди, – дейди **Наманган шаҳридаги "GROUP IMPEX TEXTILE" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мансурбек Қамбаров**. – Кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида бизнес-режа тузиб, "Асака банк"нинг Наманган вилояти филиалига тақдим этган эдик. Қисқа вақт ичида банк кредити ҳисобига хориждан юқори унумдор ва кам электр энергияси сарф қиладиган тикувчилик дастгоҳларини олдик. Лойиҳанинг амалга оширилиши маҳсулотлар сифатини тубдан ошириш имконини берди. Қолаверса, 5 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида банк билан ҳамкорликни янада ривожлантириб, фаолиятимиз кўламини кенгайтирмоқчимиз.

– Наманган шаҳрида аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишга мўлжалланган, барча қулайликларга эга замонавий мажмуа бунёд этмоқчи эдик, – дейди "**Диёр савдо қурилиш" хусусий фирмаси раҳбари Абдувоҳид Азимов**. – Лойиҳамизни амалга оширишда банк кредити қўл келди. "Асака банк"нинг Наманган вилояти филиали томонидан ўз вақтида берилган молиявий мадад билан ишимизни уддаладик. Бугун замонавий мажмуамизда 18 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тугатган шижоатли ёшлардир. Фаолиятимиздан мамнун мижозларнинг фикрларини эшитар эканмиз, бизга шундай имкониятларни яратишда мададкор бўлган банк жамоасига раҳмат айтамиз. Айни вақтда бир қатор истиқболли режаларни тузяпмиз. Уларнинг барчасида тараққиётга хизмат қилиш бош мақсад этиб қўйилган. Уларни амалга оширишда ҳам банкнинг молиявий мададига суянамиз.

**Мухтасар айтганда, юртимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилган. Изланган, элу юртга нафим тегсин деган ишбилармоннинг йўли очиқ. "Асака банк"нинг Наманган вилояти филиали жамоаси ҳам асосий эътиборни қабул қилинган пухта кредит сиёсати асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга қаратмоқда.**

**Муҳиддин АБДУСАМАТОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Хизматлар лицензияланган.

БОЖХОНА НАЗОРАТИ

*Республикамизда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан самарали давлат назорати ўрнатилган. Бу эса мазкур турдаги товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилиши ёхуд республикамиз ҳудудига олиб кирилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.*

# ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ



**Тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, акциз маркасисиз ёхуд бошқа давлатларнинг акциз ёрлиғига эга бўлган тамаки маҳсулотларининг олиб кирилишининг олдини олиш божхона органлари зиммасига юкланган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.**

Шу мақсадда 1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 мартда 412-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий чекланган нормалари"га мувофиқ, жисмоний шахслар йўловчи божхона декларациясининг тегишли бандида қайд этган ҳолда, 10 қутигача тамаки маҳсулотларини божхона чегарасидан эркин олиб ўтишларига рухсат этилади.

Тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, акциз маркасисиз ёхуд бошқа давлатларнинг акциз ёрлиғига эга бўлган тамаки маҳсулотларининг олиб кирилишининг олдини олиш божхона органлари зиммасига юкланган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан тамаки маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Яқинда "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан Россия Федерациясидан кириб келган йўловчи поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида фуқаро Б.Алимов *(мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган)* йўловчи божхона декларациясида кўрсатмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмаган 2 минг қути **"Parliament"** сигареталарининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди. Хорижда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон акциз маркалари билан маркаланмаган ушбу тамаки маҳсулотларининг умумий қиймати салкам 29 миллион сўмни ташкил қилар экан. Қонунбузар бу билан кифояланмасдан, қиймати 21 миллион сўмлик 37 турдаги парфюмерия маҳсулотлари ва бошқа товар-моддий бойликларни ҳам ноқонуний тарзда олиб киришга уринган пайтда фош қилинди.

Шунингдек, бошқарма ходимлари томонидан фуқаро Ш.Холбоевнинг қинғир қилмишларига нуқта қўйилди. Ушбу шахс ноқонуний равишда олиб кирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан маркаланмаган қиймати 11,5 млн сўмлик 880 қути "Parliament" ва "Parliament carat" номли тамаки маҳсулотларининг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжатни тақдим қила олмади.

Божхона ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор тадбир давомида фуқаролар Н.Нуралиева ҳамда М.Эшчоновалар амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганида, уларнинг ёнида тегишли ҳужжатлари бўлмаган 4 турдаги 270 қути тамаки маҳсулотлари борлиги фош қилинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2015 йил давомида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда салкам 600 та божхона қоидабузарликлари фош қилиниб, қиймати 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлган товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Шу ўринда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси фуқароларга божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан 120-76-76 ишонч телефонига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатади. Мурожаатларнинг сир сақланиши кафолатланади.

**Тошкент шаҳар**
**божхона бошқармаси**
**Ахборот хизмати**

ЭЪЛОНЛАР

"OLIM-F" ИФ ОАЖга (СТИР 202100454) тегишли штамп, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги Гувоҳнома, Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИ томонидан берилган № 001063 рақамли Устав йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. БТИ томонидан Қосимов Хусан Махамедович номига Хирмонтепа кўч. 3-проезд 12-уй манзилидаги хонадон учун берилган уй плани ва кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қашқадарё Вилояти

# ОИЛАВИЙ ЧЕМПИОНЛАР

Қамаши туманидаги Чим қишлоғи нафақат туманда, балки вилоятдаги қадимий қишлоқлардан ҳисобланади. Қолаверса, Чимдан кураги ерга тегмаган полвонлар кўплаб етишиб чиққан. Шулардан бири, яқинда Исроил давлатининг Ашдад шаҳрида фахрийлар ўртасида самбо бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритган Бахтиёр Тўраевдир.




Бахтиёрнинг аждодлари довруғи довон ошган полвонлардан бўлган. Шу сабабли бўлса керак, у ҳам болалигидаёқ спортга – миллий кураш, самбога меҳр қўйди. Кураш тушишга бўлган иштиёқ уни куну тун тинч қўймасди. Мактабни тамомлагач, ҳужжатини ҳеч иккиланмасдан Самарқанд давлат педагогика институтининг жисмоний маданият факультетига топширди. Ушбу олий даргоҳ талабалик йилларида унга ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Бахтиёр Тўраев шаҳар, вилоят биринчиликларида бир неча бор рақиблари устидан ғалаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин эгаллаган. У ўн бир марта миллий кураш ҳамда самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлган.

– Истиқлол туфайли спортга бўлган эътибор янада кучайди, – дейди Б.Тўраев. –Фаолиятим давомида қўлга киритган барча ютуқларимни Президентимизнинг бизга кўрсатган алоҳида ғамхўрликлари туфайли деб биламан.

Бахтиёр полвоннинг икки фарзанди – Нодир ва Шоҳрух Тўраевлар ҳам отаси изидан бораётган курашчилардан. Шуни айтсалар керак-да, "От изини той босар" деб. Нодир дастлаб Самарқанд вилоятининг Тайлоқ олимпия захиралари коллежда самбодан таҳсил олди. Сўнгра Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўз билим ва тажрибасини оширди. 2010 йил Осиё чемпионати, шунингдек, Грузияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги самбо бўйича жаҳон биринчилигида бронза медалини қўлга киритди.

Шоҳрух ҳам Самарқанддаги олимпия захиралари коллежини тамомлади. У Муҳаммади Баратов, Равшан Ғуломов сингари мураббийлардан таълим олиб, курашнинг оммабоп тури – самбо, дзюдо билан шуғулланди. Шаҳар, вилоят биринчиликларида қўлга киритган муваффақиятлари мамлакат чемпионати, халқаро турнирларда зафар қучишига сабаб бўлди. У 2013-2014 йилларда дзюдо кураши бўйича Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринга кўтарилди. Қозоғистон, Россия, Туркиядаги халқаро турнирларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин эгаллади. Ўтган йилнинг 8-12 декабрь кунлари Қозоғистоннинг Атирау шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида эса кумуш медални қўлга киритди.

– Янги йилда янги марраларни кўзлаяпман, – дейди Шоҳрух Тўраев. – Январь-февраль ойларида дзюдо кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати, шунингдек, жаҳон кубоги баҳслари бўлиб ўтади. Мақсадим — ушбу нуфузли мусобақаларда Ватаним байроғини осмон узра юқорига кўтариш.

Ҳа, полвонлар сулоласи давом этмоқда. БахтиёрТўраевнинг акаси Бердиёр Тўраев ҳам бир неча бор республика, халқаро мусобақалар ғолиби бўлган. Шогирдларидан Эрназар Холмирзаев, Анвар Азимовлар самбо кураши бўйича Буюк Британия, Франция, Туркияда ташкил этилган халқаро турнирларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган.

– Бахтиёр Тўраев ва унинг фарзандларидаги курашга, спортга бўлган астойдил иштиёқ қишлоқдаги бошқа ёшларга ҳам ўрнак бўлмоқда, – дейди кекса полвон, 90 ёшни қоралаб қолган Тоштемир ота Бекмуродов. – 30 минг нафар фуқаро яшайдиган қишлоғимизда айни пайтда минг нафардан ортиқ катта-кичик полвонларнинг борлигини эшитиб қувонасан киши. Айтиш жоизки, қишлоғимизда замонавий спорт комплекси барпо этилди. Унда миллий кураш, самбо, дзюдо билан бирга футбол, теннис, волейбол, енгил атлетика секциялари фаолият кўрсатаяпти. Ахир биз эришмаган ютуқлар фарзандларимизга насиб этаётганлигининг ўзи бахт эмасми?

Юртимизда қадимдан довруғи достон полвонлар етишиб чиққан. Улар ўзларининг кучли, ҳалол курашлари билан барчага ўрнак бўлган. Бахтиёр Тўраев ва унинг фарзандлари ҳам мустақиллик яратиб бераётган имкониятлардан муносиб фойдаланиб, юртимиз номини дунё бўйлаб ёйишга, миллий туғимизни осмон узра ҳилпиратишга улуш қўшиб келмоқда. Биз уларнинг Соғлом она ва бола йилида яна ҳам зафарли ютуқларни қўлга киритишига тилакдошмиз.

**Хусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Хабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-76-78, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; **ВИЛОЯТЛАР: Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99893) 940-00-27; **Навоий** – (+99894) 374-77-62; **Наманган** – (−99893) 948-53-86; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99893) 994-57-08; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** С.САЙДИСЛОМОВ
**Мусаҳҳиҳ:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА
**Дизайнер:** Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-119, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.50
23025 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5